




O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊЪАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan e-mail: uzas@mc.s.uz 2013-yil 26-aprel • №17 (4208)



Баҳор жозибаси, кўнгалга қувонч улашувчи тароват ижод аҳли учун ҳаммаша илҳом манбаи бўлиб келган. Зеро, она табиатдаги яшариш ижодкорларни руҳлан-тириб, янги изланишлар сари чорлаши табиий. Шу туфайли ҳам мамлакатимизда баҳор аёмида ташкил этилган санъат анжуманлари ўзига хос ижод байрамига айланади. Айниқса, тасвирий санъат йўналишидаги ижодий издиҳомлар ўзгача шуқуҳ ва тароват касб этади.

Бадий академия ҳамда "Ўзбекистон санъати ва маданияти форуми" жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган Тасвирий санъат фестивали мўйқалам соҳиблари учун ўзига хос совға бўлди. Бир неча йилдан буён санъат ҳафталиги сифатида ўтказиб келинаётган ушбу тадбир фестивал мақоми олиши тасодиф эмас. Тўғри, дунёнинг кўплаб мамлакатларида санъат ҳафталикларини ўтказиш анъанаси мавжуд. Бироқ ҳар бир анъана вақт ўтиши билан янги маъно касб этгани каби санъат анжуманлари ҳам шакл ва мазмун жиҳатдан бойиб бориши табиий ҳол.

Фестивал

Давоми бешинчи саҳифада.

ТАСВИРИЙ САЊЪАТ БАЙРАМИ



Мухторхон Зоиров. «Капалаклар рақо...

Ўзувчилар уюшмаси йўлланмаси билан

Ҳар сафар водийга отланганимда, Қамчиқ доvonининг виқорли манзаралари — олмос чўққилару пастга эниб кетган арчазор адирлар кўнглимни яйратади. Бу гал доvon йўлларидан кўтарилаётганимда тоғнинг кунгурадор қоялар қадар яшилланганини, тошлар исканжасида чаппар уриб гуллаган бодом-писталарни кўриб кўзим қувонди. Лекин ҳали юксак ёнбағирларда, унгирларда қор мўл эди. Доvon йўли бирмунча очикликка, кенгликка чиққанда осмонни кифтида кўтариб турган қумуш чўққилар бор бўйи билан кўзга ташланиб, гўзаллигидан ақлни лол қиларди.

МУТОЛАА СУРУРИ

Агар қузатган бўлсангиз, доvonдан ошганингизда кўз ўнгингизда бошқа бир манзара пайдо бўлади: уфқда расоом мўйқалами ила чизилгандек ям-яшил кенгликлар поёнидаги гўлгон бог-роғлар, ажиб манзиллар... Кўпинча бу манзара ердан кўтарилган ҳовурга ўхшаш мовий туманлар оғушида кўринади. Мен ҳар гал йўлимда бир нафас тўхтаб, бу манзарага тўйиб-тўйиб қарайман, унга мафтун бўлиб тикиламан...

Ўзувчилар уюшмаси Фаргона вилояти бўлими раҳбари Энаҳон Сиддикова билан Фуркат туманидаги Саноат ва педагогика коллежи сари йўл оларканмиз, Энаҳон мени вилоят бўйлаб бошланган китоб байрами, яъни китобхонлик ҳафталигининг дастури ва мақсади билан таништириб борди:

Давоми иккинчи саҳифада.

Мухаммад ЮСУФ, Ўзбекистон халқ шоири

ЎЗБЕКИСТОН

О, ота маконим,
Онажон ўлкам,
Ўзбекистон, жоним тўшай соянгга.
Сендек меҳрибон йўқ, сенингдек кўркем,
Римни алишмасман бедапоянга.

Бир гўша сув бўлса, бир гўша қирлар,
Қанча юртни кўрдим, қанча тақдирлар.
Қайга борсам суяб, бошни тик тут деб,
Тоғларинг изидан эргашиб юрар.

Кўрдим сулуварларинг энг фаранглирини,
Ё худбинман, ё бир содда касман мен:
Парижнинг энг гўзал рестороанларини,
Битта тандирингга алишмасман мен.

На гапга кўнайин, на тил билайин,
Кўздан уйқу қочди, дилдан ҳаловат.
Уч қунда соғинсам нима қилайин?...
Чала қолар бўлди ҳамма саёҳат.

Билдимки, баридан улугим ўзинг,
Билдимки, яқини шу тупроқ менга.
Баҳорда Бахмалда тутилган кўзинг
Араб оҳусидан азизроқ менга.

Сен билан ўтган ҳар кун байрам-базм,
Сенсиз бир он қолсам раҳмим келади.
Сени биланларга қиламан таъзим,
Сени билмасларга раҳмим келади.

ДАВР ҚАҲРАМОНЛАРИ ВА МАВЗУЛАРИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида "Ўзбектеатр" бирлашмаси ва "Ўзбеккино" миллий агентлиги билан ҳамкорликда "Замонавий драматургияда давр қаҳрамонлари ва давр мавзулари" мавзуида адабий анжуман ўтказилди. Тадбирда таниқли адиблар, драматурглар, театр ва кино соҳаси мутасаддилари иштирок этишди.

Йиғилишни Ёзувчилар уюшмаси раиси Мухаммад Али бошқарди. Тадбирда иштирок этган "Ўзбектеатр" бирлашмаси раҳбари О.Ризаев ҳамда Э.Самандар, Ш.Ризаев, М.Хайруллаев, Ф.Шермухаммад каби ижодкорлар бугунги кунда мамлакатимизда драматургия ва кино соҳасида рўй бераётган ўзгаришлар, давр қаҳрамонлари образини яратиш, юртдошларимиз ҳаётидан ҳикоя қилувчи замонавий мавзуларни сахна ва экранда кенг ёритиш ҳақида фикр-муло-

ҳазаларини билдирдилар. Бинобарин, бугунги замонда бадий ижоднинг ҳамма жанрлари, айниқса, театр санъати, драматургия ва бадий публицистика алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу йўналишдаги асарлар томошабин дунёқарашига тез таъсир қилади, фикрлашга, ҳаётий воқеалардан хулоса чиқаришга ундайди. Шу билан бирга, ҳозирги глобаллашув даврида "оммавий маданият" шамойилида ёшлар онгига таъсир кўрсатаётган ғаразли ниятлар, дин ниқоби остидаги бузғунчи ғоялар ижодкорлардан хушёрлик ва фаоллиқни талаб қилади.

Анжуманда, шунингдек, ҳозирги пайтда театрлар ҳамда драматурглар олдига турган муаммолар, уларни ҳал этиш йўллари ҳақида фикр алмашилди.

Ахборот хизмати.

ДАВРА СУҲБАТИ

Мустақиллик йилларида барча соҳалар қатори кино санъатида ҳам жиддий ўзгаришлар юз берди. Ҳукуматимиз ва Президентимиз томонидан ўзбек кино санъатини қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантириш юзасидан бир қатор Фармон ва қарорларнинг қабул қилиниши соҳа ривожига катта таъсир кўрсатди. "Ўзбеккино" миллий агентлиги ташкил этилгани, ҳар йили давлат буюртмаси асосида ўн бешга яқин бадий, қирқдан ортиқ ҳужжатли, ўнга яқин мультипликацион филмлар ишлаб чиқарилаётгани,

саксондан ортиқ хусусий студияларнинг фаолият кўрсатаётгани фикримиз далилидир.

Бироқ бугунги давр ўзбек миллий кино санъати олдига катта талаблар қўймоқда. Юртимизда яратилаётган филмларнинг ғоявий-бадий савиясини ошириш, мавжуд киностудияларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, малакали, профессионал кадрлар тайёрлашни изчил йўлга қўйишдек долзарб вазифалар

"Ўзбеккино" миллий агентлиги ва кино санъати ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди.

Пойтахтимиздаги Киночилар уйида бўлиб ўтган давра суҳбати ана шу долзарб вазифаларга бағишланди. Унда таниқли кино усталари, режиссёрлар, операторлар, киносценарийчилар, киношунослар қатнашди. "Ўзбеккино" миллий агентлиги бош директори Жаҳонгир Қосимов олиб борган давра суҳбатида таниқли ре-

жиссёрлар Дамир Салимов, Зулфигор Мусоқов, Музроб Боймуҳамедов, Шўҳрат Аббосов, Темурмалик Юнусов, киношунос Ханжара Абулқосимова, санъаткорлар Ёдгор Саъдиев, Бахтиёр Қосимов ва бошқалар сўзга чиқди. Суҳбат якунида барча фикр-мулоҳазалар ва таклифларни атрафлича ўрганиб чиқишга қилишилди. Улар асосида тегишли чора-тадбирлар белгилан олиналди.

Ўз ахборотимиз.

ОЛТИН ЗАНГЛАМАС

Асли исми-шарифи Ғулом Алимов, адабий таҳаллуси эса Шўҳрат бўлган беназир ижодкор эл-юртда, адабиёт дунёсида Шўҳрат деган ном билан танилди. Ўзидан катта устозлари, шунингдек, тенгдошлари, ўзидан кичик шогирдлари унга "Ғулом", "Ғуломжон" ёки "Ғулом ака" деб эмас, балки "Шўҳрат", "Шўҳратжон", "Шўҳрат ака" деб мурожаат этарди. Бу исм-таҳаллус унга ниҳоятда ярашарди, асл исми Ғулом замиридаги маъно — тобеллик унинг табиатига бутунлай ёт эди.

Шўҳрат аканинг ҳам ижодкор-адиб, ҳам она-юрт фуқароси, куюнчак инсон сифатида талай ибратли хислатлари бор эди. У, аввало, бир қўлда қурол билан жанг қилган, бир қўлда қалам билан шу азиз Ватанини куйлаган, улуғлаган — сўзи ва иши бир адиб эди. У ниҳоятда меҳнатсевар, тартиб-интизомли, саранжом-саристали, фариштали одам бўлган. Ҳаётнинг кўп аччиқ-чучугини татиган, бошига оғир савдолар тушганда ҳам ўзини йўқотмаган, имон-этиқодида ғард юктирмаган букилмас ирода эгаси эди. Одам боласи гоҳо энг азиз пинҳоний туйғуларини, юрак силрларини кимгадир айтгани, қалбини тушунадиган кимса билан сирлашгани келади. Шўҳрат ака шахсан мен таниган, билган ёзувчилар орасида ана шундай табаррук зотлардан бўлган. Улкан адиб Абдулла Қаҳҳор умрининг сўнгги дақиқаларида Шўҳратни Москвага ўз хузурига чақириб, энг сўнгги юрак розини, васитини шу одамга ишониб айтгани бежиз эмас...

Энди Шўҳрат аканинг адабиётимизда турган ўрни, ижодига хос айрим хусусиятлар ҳақида бир неча оғиз сўз. Шўҳрат XX аср миллий адабиётимизнинг ўрта авлоди вакиллари. Бу авлодга ғоят мушкул, чигал ижодий тақдир насиб этди. Улар

30-йилларнинг зиддиятли муҳитида, маънавий-ижодий ҳаётга мустабид сиёсат, қатағон балоси таҳдид солиб турган, улкан истеъдодлар бошида қора булутлар қуюқлашган кезлари қўлга қалам олдилар. Сўнг иккинчи жаҳон уруши, урушдан кейинги машаққатлар, адабий ҳаётдаги танглиқлар, оғир йўқотишлар...

1951 йили шоир бошига оғир мусибат тушди. Бир қатор қаламқашлар сафида "советларга қарши миллатчилик фаолияти"да айбланиб қамоққа олинди, сўнг 25 йил муддатта мас ирода эгаси эди. Одам боласи гоҳо энг азиз пинҳоний туйғуларини, юрак силрларини кимгадир айтгани, қалбини тушунадиган кимса билан сирлашгани келади. Шўҳрат ака шахсан мен таниган, билган ёзувчилар орасида ана шундай табаррук зотлардан бўлган. Улкан адиб Абдулла Қаҳҳор умрининг сўнгги дақиқаларида Шўҳратни Москвага ўз хузурига чақириб, энг сўнгги юрак розини, васитини шу одамга ишониб айтгани бежиз эмас...

Давоми учинчи саҳифада.

"АДАБИЁТ ВА ТАРИХИЙ ЖАРАЁН"

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида таниқли адабиётшунос олим, Ўзбекистон Республикаси Фан аربоби, филология фанлари доктори, профессор Наим Каримовнинг "Адабиёт ва тарихий жараён" китобининг тақдироти ўтказилди.

Тақдиротни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мухаммад Али олиб борди. Наим Каримов XX аср ўзбек

адабиётининг жонқуяр тадқиқотчиларидан бири. Олимнинг миллий адабиётимиз фидойилари ижодига бағишланган ўнлаб монография ва китоблари чоп этилган. Уларда ўзбек адабиётининг долзарб масалалари ўз аксини топган.

"Адабиёт ва тарихий жараён" китоби муаллифининг бир неча йиллик изланишлари натижаси бўлиб, асарда ўзбек мумтоз адабиёти, адабиёт та-

риҳида нисбатан мураккаб давр ҳисобланган XX асрнинг дастлабки чорагида яшаб, ижод этган адиблар асарлари улар яшаган замон билан алоқадорликда таҳлил қилинади. Китобнинг "Тарихий лавҳалар", "Турфа тақдирлар", "Мусибат достони", "Зулмат қўйнидаги юлдузлар" деб номланган бўлимларида мустақиллик йилларида ўзининг холис илмий баҳосини олган адабий сиймолар ҳақида сўз юритилди. Зеро, ўтган аср-

нинг мураккаб даврида ҳам истеъдодли ўзбек адиблари самарали ижод қилдилар. Натижада "Ўтган кунлар", "Меҳробдан чаён", "Кеча ва кундуз", "Навоий" каби ўлмас романлар ҳамда бошқа жанрлардаги кўплаб юксак асарлар дунёга келди. Бу, албатта, юртдошларимизда ўзига хос гурур ва ифтихор туйғуларини уйғотади. Мазкур китоб, айниқса, мустақиллик даври фарзандларининг ўтган аср биринчи ярмидаги

адабий-тарихий жараёнлар ҳақида янада кенгрок таассуротга эга бўлишларига хизмат қилади.

Тақдиротда таниқли ижодкорлар, адабиётшунос олимлар Умарали Норматов, Иброҳим Гафуров, Низомиддин Махмудов, Аҳмаджон Мелибоев, Шўҳрат Ризаев, Абдулла Улуғов, Ҳамидулла Болтабоев, Улғубек Ҳамдам мазкур китобнинг аҳамияти ва олим ижоди ҳақида мулоҳазаларини билдирдилар.

Уйғун РЎЗИЕВ

